



“16” ноябр 2020 й. № 01-06/3415

**Оммавий ахборот воситалари,  
ташқи реклама объектлари  
(конструкциялари эгалари),  
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Агентлик томонидан ўтказилган ўрганишларда бир қатор ахборот воситаларида (телевидение, радио, босма нашрлар), интернет ва ижтимоий тармоқларда рекламаларни тарқатишда (жойлаштиришда) реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини нотўғри қўллаш амалиёти мавжудлиги маълум бўлмоқда.

Хусусан, сўнгги вақтларда аксарият йирик савдо тармоқлари томонидан маиший техника, электроника товарлари ва кийим кечаклар савдосини оширишга қаратилган чегирмалар, акция кечалари ташкил этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, истеъмолчилар ўртасида катта қизиқишга сабаб бўлмоқда ҳамда бундай тадбирларга уларнинг эътибори ортиб бормоқда.

Бироқ, айрим ахборот воситалари ва ташқи реклама конструкциялари орқали чегирмалар, акция кечалари вақти (муддати) ўтиб кетган бўлсада, рекламаларни тарқатиш давом эттирилмоқда. Ўз навбатида, бу ҳолат истеъмолчиларни чалғитувчи ёки чалғитиш мумкин бўлган маълумотларни тарқалишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосан, қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган, шахсларга, шунингдек давлатга зарар ва маънавий зарар етказиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (*13-модда*).

Юқоридагиларга асосан, шунингдек истеъмолчиларни нотўғри ва ишончсиз рекламалардан ҳимоя қилиш мақсадида, реклама берувчилар ва тарқатувчилар томонидан истеъмолчиларни чалғитадиган ёки ноаниқ маълумотларни реклама воситаларида тарқатмасликлари сўралади.

Директор



Э.Хаитметов